

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

589 Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 23 октябрдаги ПҚ-1836-сон қарорига мувофиқ, шунингдек алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 19 декабрь,
355-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 19 декабрдаги 355-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва
телекоммуникация технологиялари давлат
қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат қўмитаси деб аталади) мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқларини ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Давлат қўмитаси:

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, радиочастота спектридан фойдаланиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг теле-радиомаҳсулотларини тарқатиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи, шунингдек электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги махсус ваколатли орган ҳисобланади;

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради;

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи функциясини бажаради.

3. Давлат қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ва мазкур Низомга амал қилади.

4. Давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Давлат қўмитаси Халқаро электралоқа иттифоқида, Бутунжаҳон почта иттифоқида ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги бошқа халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодаловчи ваколатли орган ҳисобланади.

6. Давлат қўмитаси «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти, «Ўзбектелеком» ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияларининг устав фондларидаги акциялар давлат пакетларининг ишончли бошқарувини амалга оширади.

7. Давлат қўмитаси юридик шахс ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Давлат қўмитасининг вазифалари ва функциялари

8. Қўйидагилар Давлат қўмитасининг вазифалари ҳисобланади:

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ахборот технологияларини ривожлантириш, ахборотни ҳимоя қилиш ва ундан фойдаланишнинг жаҳон даражасини ҳисобга олган ҳолда замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларини жорий этиш бўйича комплекс миллий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ахборот ресурслари, ахборот тизимлари ва тармоқлари, дастурий маҳсулотлар ва хизматлар, уларни таъминлаш ва ҳимоя қилиш воситалари борини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган умумий қабул қилинган халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасининг ривожланиши ва самарали ишлаши устидан, шу жумладан халқаро ва тармоқ стандартлари, техник регламентлар, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларини ахборотлаштириш даражасини баҳолаш мезонлари ва индикаторлари тизимини жорий этиш механизмлари орқали давлат бошқаруви ва назоратини, шунингдек телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялашни амалга ошириш;

телекоммуникация инфратузилмаси ва маълумотлар узатиш, мобил ва йўлдош алоқа тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизациялаш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан юқори тезликда кенг полосули фойдалана олишни, шу жумладан кишлоқ жойларда жорий этиш, телефон алоқаси, телевидение ва радиоэшиттириш рақамли тизимларига тўлиқ ўтилишини таъминлаш;

давлат бошқаруви органларида, иқтисодиёт соҳаси ва тармоқларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва фойдаланишни комплекс, тизимли таҳлил қилиш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

давлат ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланишнинг ягона тизимини яратиш, маълумотларни узатиш ва алмашиш идоралараро тармоқларининг интеграциялашган тизимларини яратиш ва бошқариш, электрон ҳужжат айланиши тизимини яратиш ҳисобига «электрон ҳуқумат» платформасида ахборот муҳитини янада ривожлантиришни таъминлаш, давлат ахборот ресурсларини интеграциялаш, вазирликлар ва идораларнинг ягона вертикал корпоратив тармоқларини шакллантириш;

тириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг электрон шакллари жорий этиш;

инвестиция сиёсатини шакллантиришда иштирок этиш, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасига инвестициялар, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлаш, шунингдек ахборот технологияларини, шу жумладан давлат буюртмаси доирасида ривожлантириш ва қўллаш билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

Интернет тармоғи миллий сегментини янада шакллантиришни таъминлаш, мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган турли йўналишдаги замонавий веб-ресурсларни, шу жумладан аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг ахборот ва интеллектуал эҳтиёжларини қондириш учун тармоқ ресурсларини яратиш;

сифатли, рақобатбардошли дастурий маҳсулотларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқаришни мувофиқлаштиришни таъминлаш ва ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва жорий этиш соҳасида мамлакат хизматлар бозорини янада шакллантириш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш, телекоммуникациялар тармоқлари, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларини жорий этиш, шу жумладан телекоммуникациялар тармоқларида, телерадиоэфирда ва ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилмани янада ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, шу жумладан дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, маълумотларнинг ахборот базалари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини ташкил қилиш;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, Интернет тармоғи миллий маконини тартибга солиш ва бошқариш, радиочастота спектридан фойдаланишни, кадрлар тайёрлаш ва инновацион фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон рақамли имзодан фойдаланиш, чет эл оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларини тарқатиш соҳасини тартибга солиш ва бошқариш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан ички назорат тизими жорий этилишини ташкил этиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича махсус ваколатли давлат органлари билан биргаликда почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун ички назорат қоидаларини ишлаб чиқиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензия битимларининг,

радиочастота спектридан самарали фойдаланишнинг ва телекоммуникация тармоқлари, почта алоқаси, телерадиоэшиттиришда, соҳанинг тегишли ташкилотлари орқали ахборот тизимларида иш юритишнинг назорат қилиниши ва бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

оммавий коммуникациялар, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, йўлдош тизимлар, Интернетнинг глобал тармоғи, ахборотни, шунингдек босма маҳсулотларни етказиб бериш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситалари соҳасида фаолият юритувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари, техник регламентлар, лицензия битимлари шартларига риоя этиши юзасидан мониторингни амалга ошириш;

аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил қилиш ва ривожлантириш.

9. Давлат қўмитаси ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида стратегик устувор вазифаларни шакллантиради ва амалга оширади, телекоммуникация тармоқлари, маълумотлар узатиш, радиоалоқа, радиоэшиттириш, телевидение, почта алоқаси тармоқлари, матбуот тарқатиш тармоқларини ривожлантириш, радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришни амалга оширади;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида фаолият масалалари бўйича, шу жумладан радиочастота спектридан фойдаланиш, миллий ахборот макони мониторинги ҳамда Давлат қўмитаси фаолиятининг бошқа йўналишлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида фойдаланиладиган ахборот тизимлари интеграциясини таъминлаш мақсадида миллий ахборот тизимини шакллантириш бўйича ягона техник сиёсатни белгилайди ва амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот айирбошланишнинг электрон шаклига ўтиш бўйича дастурлар амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг ўсиб бораётган ахборот ва интеллектуал эҳтиёжларини қондириш учун мамлакатимиз ахборот ресурсларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш йўли билан Интернет тармоғининг миллий сегментини янада ривожлантириш устувор вазифаларини белгилайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти

органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерактив давлат хизматларини жорий этиш бўйича ягона технологик ечим амалга оширилишини техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида идоралараро ўзаро ҳамкорликнинг ахборот тизимларини жорий этишни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланиш ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларини тарқатиш соҳасида махсус ваколатли орган функциясини амалга оширади;

алоқа, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини истиқболли ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг давлат дастурларини, шу жумладан кенг полосали фойдаланишнинг замонавий воситалари, маълумотлар узатишнинг рақамли тизимлари, йўлдош ва мобил алоқа, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига давлат интерактив хизматлари кўрсатишни кенгайтириш, мамлакатда сифатли, рақобатбардошли дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни ташкил этиш, ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий этиш бўйича босқичма-босқичли дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

умумий техник регламентлар ва давлат стандартларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда тақдим этади, давлат стандартлари сифатида халқаро стандартларни қабул қилиш ишларини ташкил этади, мамлакатнинг ягона ахборот маконини яратиш, шунингдек электрон рақамли имзодан фойдаланиш мақсадида радиоэлектрон воситалар, телекоммуникация воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларига махсус техник регламентлар ва норматив ҳужжатлар, техник шартлар ва талабларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси таркибига кирувчи давлат органлари билан биргаликда радиочастота спектрини тақсимлаш, ундан фойдаланиш соҳасида ва ушбу соҳада қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

почта алоқаси, телекоммуникациялар, ахборот-коммуникация технологиялари, телерадиоэшиттириш воситалари ва тармоқларини, радиомониторинг, дастурий маҳсулотларнинг техник воситаларини ривожлантириш учун инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳамда чет эл инвестицияларини жалб этишда иштирок этади;

худудий бошқармаларнинг ишларини, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида стандартлаштириш ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришни таъминлаш, радиочастоталардан фойдаланиш, шунингдек алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини сертификатлаштириш масалаларини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

телекоммуникациялар соҳасида фаолиятнинг алоҳида турларини белгиланган тартибда лицензиялашни амалга оширади;

телефонларни рақамлаш режаси ва тизимини, номер сифимини ажра-

тишни тасдиқлайди, телекоммуникация тармоқларини рақамлаш ресурсларидан фойдаланишни, Интернет тармоғи миллий сегменти аниқ йўналтирилган маконини тақсимлашни ҳисобга олиш ва назорат қилишни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда почта алоқаси ва телекоммуникациялар универсал хизматларининг рўйхатини ва уларнинг сифатига қўйиладиган талабларни қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди, почта алоқаси ва телекоммуникация универсал хизматларига тарифларни тасдиқлайди;

телекоммуникациялар, маълумотлар узатиш, почта алоқаси тармоқларини бирлаштириш ва операторлар, провайдерлар томонидан ўзаро хизматлар кўрсатилиши ва улар ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби ва шартларини тасдиқлайди;

почта тўлови давлат белгиларининг намуналарини тасдиқлайди ва почта маркаларини нашр этиш, уларни муомалага киритиш ва муомаладан чиқариш тартибини белгилайди;

почта индексларини, ёзма хат-хабарларни олиб қўйиш частоталари нормативларини, шунингдек почта алоқаси операторлари ва провайдерлари учун мажбурий бўлган почта жўнатмалари ўтишининг назорат муддатларини тасдиқлайди;

почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг транспорт воситаларида жойлаштириладиган, почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларини ташишда ишлатиладиган фарқловчи махсус белгиларни тасдиқлайди;

почта тўлови давлат белгиларининг давлат коллекциясини шакллантиради;

франкирлаш машиналаридан фойдаланиш тартибини белгилайди;

почта алоқаси миллий оператори ходимининг формали кийим-боши ва қўқрак нишонини тасдиқлаш ва формали кийимда юриш тартибини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида бошқарувнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

тегишли давлат органлари билан биргаликда мамлакатда ишлаб чиқарилган дастурий маҳсулотларни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун Миллий ахборот тизими доирасида янгидан ишлаб чиқиладиган, мослаштириладиган ёки сотиб олинadиган махсус дастурий маҳсулотларнинг мажбурий экспертизасини ўтказишни ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг махсус дастурий маҳсулотлардан фойдаланишлари учун рухсатнома беради;

дастурий махсулотларни ишлаб чиқишни ташкил этади ва уларни иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларида фойдаланиш учун жорий этади;

бозорда, биринчи навбатда, ички эҳтиёжларни қондириш учун рақобатбардошли замонавий маҳаллий дастурий махсулотларни ишлаб чиқишни ривожлантиришда иштирок этади;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, радиочастота спектри ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида мониторинг олиб бориш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда телекоммуникацияларнинг алоҳида хизматлари турлари рўйхатини белгилайди ҳамда уларга тарифларни ва фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, тармоқлараро уланишларнинг тарифларини белгиланган тартибда келишади;

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун тенг шарт-шароитлар яратилишига, рақобатни ривожлантиришга ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, шунингдек электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам беради;

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш марказларини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш марказларининг ваколатли шахсларига электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларини беради;

электрон рақамли имзо калитларини рўйхатдан ўтказиш марказлари фаолиятини назорат қилади;

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш марказлари ваколатли шахсларининг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатлари ягона давлат реестрини юритади ҳамда улардан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдаланишини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларига кўра электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш марказлари ваколатли шахсларининг электрон рақамли имзоси ҳақиқийлигини тасдиқлайди;

Давлат қўмитаси тизимининг моддий маблағлари давлат захирасида сафарбарлик режаси, жамғарма тузилмаси, таркиби, нормалари ва режасини ишлаб чиқади, ҳарбий қисм кучлари ва воситалари билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари алоқасини таъминлаш учун авария-тиклаш ишларини бажаришни, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси тизимининг ўта муҳим объектларини қўриқлашни ташкил қилади;

стратегик устувор вазифаларни амалга оширишда ҳудудий бошқармалар-

нинг телекоммуникация тармоқларини, шу жумладан маълумотлар узатиш, телерадиоэшиттириш, почта алоқаси тармоқлари, матбуот тарқатиш, ахборот ресурслари ва тизимлари бозорини, радиочастота спектридан фойдаланишни ривожлантириш соҳасида давлат томонидан самарали тартибга солишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ва фаолияти мувофиқлаштирилишини ташкил этади;

аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил этади ва уни такомиллаштириш чораларини кўради;

электрон кутубхоналар тизимини, кутубхона ахборот ресурсларини тизимлаштиришни ривожлантиришни, аҳоли кенг қатламларининг ахборот-кутубхона ресурслари марказларидан фойдаланишини таъминлайди;

ахборот тизимларини яратишга, ахборот ресурсларини шакллантиришга, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида хизматларни кенгайтиришга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларини тарқатиш ҳуқуқи учун тақдим этилган хужжатларнинг қонун хужжатлари талабларига мувофиқлигини экспертизадан ўтказишни ташкил қилади;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензия битимлари, радиочастота спектридан самарали фойдаланиш, почта алоқаси ва телекоммуникациялар тармоқларида хавфсизлик бўйича техник ва технологик талаблар, шу жумладан маълумотлар узатиш, телерадиоэшиттириш, давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот тизимларида, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ва бошқа ташкилотларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича ишларни назорат ва таҳлил қилишни ва уларнинг бажарилишини ташкил этади;

оммавий коммуникациялар, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, йўлдош тизимлар, Интернет глобал тармоғи, ахборотни, шунингдек босма маҳсулотни етказиш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситалари соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан, норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва норматив хужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари, техник регламентлар талабларига риоя этилишини Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси орқали назорат қилишни ташкил этади;

халқаро стандартлар асосида, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, банк ва молия соҳасида, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш индикаторлари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги мезонлари ва баҳолаш механизминини, ахборотлаштириш масалаларини ишлаб чиқади;

фан ва маркетинг тадқиқотлари, ахборот-коммуникация технологиялари, алоқа тармоқлари ва хизматлари, тармоқ стандартлари ва техник шартларни ривожлантириш ва такомиллаштириш мониторингини олиб бориш, телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришнинг мамлакат ва жаҳон

анъаналарини, шу жумладан маълумотлар узатиш, телерадиоэшиттириш, почта алоқаси ва ахборот-коммуникация технологиялари тармоқларини ўрғаниш ва таҳлил қилиш ишларини ташкил этади;

радиочастота спектри, радиоэлектрон воситалар ва юкори частотали қурилмалардан фойдаланиш мониторинги, шунингдек радиохалақитларни, шу жумладан индустриал халақитларни бартараф этиш ишларини ташкил этади;

телекоммуникация тармоқларида телерадиоэфирда ва ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, Интернет тармоғи орқали аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг дунёқарашига ва онгига салбий таъсирнинг олдини олиш учун ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилмаларни янада ривожлантириш бўйича ягона сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

телекоммуникациялар ва почта алоқаси тармоқларида, телерадиоэшиттириш, ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ахборот тизимларини ҳимоялашнинг самарали воситалари ва усуллари жорий этилишини, тезкор-қидирув тадбирлари тизимлари жорий этилишини, шунингдек улардан давлат, Ўзбекистон Республикаси мудофааси ва миллий хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб ва фавқулодда вазиятлар шароитларида устувор фойдаланишни таъминлайди;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича ички назорат қоидаларига почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан риоя этилиши мониторинги олиб борилиши ва назорат қилиниши масалалари бўйича ишларга раҳбарлик қилади ва мазкур ишларни мувофиқлаштиради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат бюджети маблағлари ҳисобига ташкил қилинган юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот ресурсларини шакллантириш бўйича ишларни ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

телекоммуникациялар, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари тармоқлари, тизимлари ва воситаларини яратиш ҳамда ишлатиш бўйича хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш қоидалари ва тартибини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

почта алоқаси, телекоммуникациялар, маълумотлар узатиш, телерадиоэшиттириш, ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг тармоқлари ва воситалари хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни белгилайди;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлигини, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларнинг узлуксиз ва хавфсиз ишлашини, хўжалик юритувчи субъектларнинг техник куч ва воситаларидан фойдаланган ҳолда табиий офатлар оқибатларининг бартараф этилишини таъминлаш мақсадида комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда уларнинг бажарилишини ташкил этади;

телекоммуникация тармоқларини бошқариш, уларнинг самарали ишла-

шини таъминлаш, телекоммуникациялар ресурсларини ривожлантириш ва улардан оқилона фойдаланиш, истеъмолчиларнинг телекоммуникациялар хизматларига бўлган эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш учун турли операторларнинг телекоммуникациялар тармоқларини, идоравий тармоқлар эгаларини мувофиқлаштирилган тарзда бошқариш тизимини яратиш, шунингдек тармоқлардан давлат органларининг, Ўзбекистон Республикаси мудофааси ва миллий хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб оқилона фойдаланилишини таъминлаш ишлари мувофиқлаштирилишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси ахборот маконида рухсатсиз фойдаланишга уринишлар ва компьютер вируси ҳужумлари тўғрисида ўз вақтида хабар қилиш ва ҳаракат қилишнинг усул ҳамда воситаларидан фойдаланиб, Интернет тармоғининг миллий сегментида веб-ресурсларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича идоралараро ҳамкорлик қилиш механизмини амалга оширади;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги таълим муассасаларининг иқтидорли талабаларига Давлат қўмитасининг стипендияларини белгилайди;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация ҳамда радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида белгиланган тартибда халқаро идоралараро битимлар ва шартномалар тузади;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида давлатлараро ва ҳукуматлараро битимлар ва шартномаларнинг лойиҳаларини тайёрлашда қатнашади;

халқаро молия институтлари, хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси, радиочастота спектридан фойдаланиш учун ажратиладиган грантларидан фойдаланишнинг устувор йўналишларини белгилайди;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича тендерлар, танловлар ва савдолар уюштиради ва уларни ўтказишда иштирок этади;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбатда, дастурий воситалар, ахборот маълумотлар базалари, миллий ахборот ресурслари, контентлар, барча даражалардаги ахборот-коммуникация тармоқларини шакллантириш йўналишида замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этади;

ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий бозори ривожланиши тенденцияларини ва хориж тажрибасини ҳисобга олган ҳолда таълимнинг янги йўналишлари учун алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш борасида таълим стандартларини ишлаб чиқишда қатнашади;

етақчи хорижий таълим муассасаларининг мутахассисларини ва экспертларни жалб қилган ҳолда ўқув жараёнларида ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари тар-

кибини тайёрлаш ва малакасини оширишнинг комплекс дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этади.

10. Давлат қўмитаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевожита ҳамда ҳудудий бошқармалар, ўзига идоровий мансуб ташкилотлар орқали ҳал қилади.

III. Давлат қўмитасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

11. Давлат қўмитаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органларидан, хўжалик юритувчи субъектлардан Давлат қўмитаси ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича зарур ахборотларни сўраш;

Давлат қўмитасининг ваколатига қирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва давлат бошқарув органларига белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

фавқулодда вазиятларда (ҳарбий ҳаракатлар пайтида, зилзилаларда, сув тошқинида, ёнғинларда, эпидемияларда ва бошқаларда) почта алоқаси, телекоммуникациялар ва ахборот тизимларининг ҳар қандай тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, улар ишини чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш, шунингдек телекоммуникация тармоқлари ва воситаларини маркашлаштирилган ҳолда бошқариш, телекоммуникация хизматлари махсус фойдаланувчиларининг телекоммуникация тармоқлари бундан мустасно;

ўз ваколати доирасида, шу жумладан Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси орқали почта алоқаси, телекоммуникациялар хизматларини, шунингдек ташкилотларда ахборот-коммуникация технологиялари хизматлари кўрсатиш бўйича норма ва қоидаларга ташкилотлар томонидан риюя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;

почта ва телекоммуникациялар соҳасида фаолият олиб борадиган ҳамда белгиланган нормалар, давлат, тармоқ стандартлари, техник регламентлар ва кўрсатиладиган почта ва телекоммуникация хизматлари сифати, республика ҳудудида фойдаланиладиган телекоммуникациялар воситалари, юқори частотали қурилмалар ва радиоэлектрон воситалар радионурланишларининг параметрлари бузилишига йўл қўяётган хўжалик юритувчи субъектларнинг айрим қурилмалари ва технологик участкалари ишини аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар вақтинчалик тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикасида юқори частотали қурилмалар ва радиоэлектрон воситалардан фойдаланишга зарур рухсатномалар бериш, шунингдек радиочастота спектридан фойдаланишни тўхтатиш, тўхтатиб туриш ва чеклаш;

радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар белгиланган стандартлар, техник регламентлар ва техник нормаларга мувофиқ бўлмаганда фуқароларнинг хавфсизлиги, атроф муҳит муҳофазаси таъминланмаганда, радиочастота спектридан фойдаланганлик учун ҳақ тўланмаганда, шунингдек алоҳида ҳолатларда уларни ишлатишни белгиланган тартибда тақиқлаш;

давлат секторида ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилиниши ҳолатининг таҳлили ва мониторингини олиб бориш;

ўз ваколати доирасида ташкилотлар, операторлар ва провайдерлар фаолиятини назорат қилиш;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида фаолиятни амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензия битимлари талаблари ва шартлари бажарилиши устидан тизимли мониторинг олиб бориш;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат ва мониторинг натижалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг аниқланган бузилишлари бартараф этилганлиги тўғрисида тақдимнома бериш;

дастурий маҳсулотларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш учун маҳаллий дастурий маҳсулотлар бозорининг ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш ва ўрганиш;

вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлик бўйича нафақа тўлаш, мавжуд кредиторлик қарзларни узиш, моддий-техникавий базани мустаҳкамлаш, Давлат қўмитаси ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ривожланиш бўйича тадбирларни ташкил этиш учун Давлат қўмитасининг Ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш;

Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Давлат қўмитасининг марказий аппаратида ва идоравий мансуб бўлинмаларда, Тошкент ахборот технологиялари университетида ишлаш учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида етакчи хорижий мутахассисларни, шу жумладан раис (раҳбар) ўринбосарлари лавозимига — маслаҳатчилар сифатида шартнома асосида жалб этиш;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, радиочастота спектри, электрон рақамли имзо, ахборот хавфсизлиги, телерадиоэшиттириш, почта алоқаси соҳасида фаолиятни тартибга солидиган, барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш.

Давлат қўмитаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Давлат қўмитаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг таъминланиши, шунингдек ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

IV. Давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш

13. Давлат қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган ва лавозимидан озод этиладиган раис бошчилик қилади.

Раиснинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинландиган ва лавозимидан озод этиладиган олти нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Давлат қўмитаси раиси мақомига кўра вазирга, Давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари — тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосарига ва вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

14. Давлат қўмитасининг раиси айна вақтда Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг раиси ҳисобланади.

15. Давлат қўмитасининг раиси:

Давлат қўмитаси фаолиятига яккабошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади;

Давлат қўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда Давлат қўмитасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари, идоравий мансуб ташкилотлар мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилайди;

Давлат қўмитаси фаолияти йўналишларининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш юзасидан, шунингдек ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар ишлари учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги даражасини белгилайди.

Давлат қўмитаси ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради ҳамда кўрсатмалар беради;

зарурат бўлганда Давлат қўмитаси марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга;

Давлат қўмитасининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармаларининг штат жадвалини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Давлат қўмитаси марказий аппарати, ҳудудий бошқармаларининг, Республика бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган идоравий мансуб давлат ташкилотлари ҳамда уларнинг бўлинмаларининг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Давлат қўмитасининг бошқармалари, бўлимлари ва ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек идоравий мансуб ташкилотларнинг уставларини (низомларини) белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Давлат қўмитаси марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бошқармалар, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Давлат қўмитаси раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

16. Давлат қўмитасида раис (хайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозими бўйича), Давлат қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларини

мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалар раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат аъзоларининг сони ва шахсий таркиби Давлат қўмитаси раисининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат:

Давлат қўмитаси фаолиятининг ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

Давлат қўмитаси номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрлар танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

ижро интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши таъминланиши учун Давлат қўмитаси тизими раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади.

Ҳайъат Давлат қўмитасининг ваколатига тегишли бўлган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишга ҳақли.

Ҳайъат мажлисига Давлат қўмитасининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

Мажлисда ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи қатнашса Ҳайъат ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Ҳайъат қарорлари Давлат қўмитаси раисининг буйруқлари билан амалга оширилади. Раис ва Ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келганда, раис юзага келган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикрини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига билдиришлари мумкин.

Ҳайъат фаолиятининг тартиби Ҳайъат томонидан тасдиқланадиган Ҳайъат регламенти билан белгиланади.

17. Республика бюджети ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари ривожлантириш жамғармаси маблағлари Давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари, ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

Давлат қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, Давлат фельдъегерлик хизмати, Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм), «Республика махсус алоқа узели» ДУК, ахборот-кутубхона марказлари, Тошкент ахборот технологиялари университетининг жорий таъминоти Республика бюджети маблағларидан молиялаштирилади.

Қуйидагилар:

Давлат қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация тех-

нологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг ходимларини қўшимча рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатлар;

Оммавий коммуникациялар воситалари мониторинги маркази, Республика ахборот-кутубхона маркази, «Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази — UNICON.UZ» ДУК ҳузурида фаолият кўрсатадиган Алоқа объектлари давлат кадастри хизмати, Таянч стандартлаштириш ташкилоти, Таянч метрология хизмати, Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш хизмати, Атамашунослик ва лугатлар хизмати, Компьютер инцидентларига жавоб бериш хизмати, Ziyonet тармоғи ресурс маркази, Миллий ахборот тизимини шакллантириш ва ривожлантириш департаменти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат порталини ахборот жиҳатидан таъминлаш ва ривожлантириш гуруҳи ҳамда «Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази ҳузурида фаолият кўрсатадиган компьютерлаштириш марказларига қўмаклашиш гуруҳининг таъминоти Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан молиялаштирилади.

Давлат қўмитаси ва унинг ташкилотлари фаолияти қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига ҳам молиялаштирилиши мумкин.

18. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан ходимларни қўшимча рағбатлантириш қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

а) муайян муддат хизмат қилганлик учун ҳар ойлик устама. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида муайян муддат хизмат қилганлик учун ҳар ойлик устама қўйидаги миқдорларда тўланади:

Иш стажи	Устама миқдори, лавозим маошига нисбатан коэффицентларда
3 йилдан 5 йилгача бўлганда	0,3
5 йилдан 10 йилгача бўлганда	0,4
10 йилдан 15 йилгача бўлганда	0,5
15 йил ва ундан ортиқ бўлганда	0,6

б) чорак якунлари бўйича энг ташаббускор ва самарали ишлаган ходимларни лавозим маошининг 100 фоизигача бўлган миқдорда бир йўла мукофотлаш;

в) энг ташаббускор ва самарали ишлаган ходимларни лавозим маошининг 100 фоизигача бўлган миқдорда моддий рағбатлантириш.

Бунда бир чоракда бирйўла мукофотлаш ва моддий рағбатлантириш тўловлари суммаси устамани (рағбатлантириш коэффицентини) ҳисобга олган ҳолда лавозим маоши миқдоридан ошмаслиги керак.

Энг ташаббускор ва самарали ишлаган ходимларни бир йўла мукофот-

лаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Низом, шунингдек муайян муддат хизмат қилганлик учун мукофот олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Давлат қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади.

Давлат қўмитасини ривожлантириш жамғармасига тушадиган маблағлар ҳисобига ходимларга қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тўловлар ҳам тўланиши мумкин.

Идоравий мансуб хўжалик ҳисобидаги ташкилотларнинг моддий-техника таъминоти, шунингдек уларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ўз маблағлари ҳисобидан, Давлат қўмитасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

19. Давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари юридик шахс ҳисобланмайди ва ўз фаолиятини Давлат қўмитаси раиси томонидан тасдиқландиган низомларга мувофиқ амалга оширади.

Давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига Давлат қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошлиқлар бошчилик қилади.

V. Яқунловчи қоида

20. Давлат қўмитасини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 19 декабрдаги 355-сон қарорига
2-ИЛОВА

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) мулкчилик шакллари ва идоравий мансублигидан қатъи назар алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари, техник регламентлар талаблари, лицензиялар талаблари ва шартлари, сертификатлаштирилган ускуналардан фойдаланишнинг белгиланган тартиби, телекоммуникациялар, почта алоқаси, дав-

рий матбуот нашрларини тарқатиш хизматининг сифат нормативлари бажарилиши ҳамда уларга риоя қилиниши, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан давлат назорати органи ҳисобланади.

2. Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Бутунжаҳон почта уюшмаси Конвенциясига ва Битимига, Электр алоқаси Халқаро Уюшмаси тавсияларига, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга амал қилади.

Инспекция Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси таркибига киради.

3. Инспекциянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий матбуот нашрларини тарқатиш соҳасида фаолият юритувчи барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

4. Инспекцияга Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни ривожлантиришнинг ҳолати юзасидан назорат қилиш, мониторинг олиб бориш ва ўрганиш ваколати берилган.

Инспекциянинг давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни ривожлантиришнинг ҳолати юзасидан назорат ва мониторинг яқунлари бўйича хулосалари Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан тегишли қарор қабул қилиш учун асос ҳисобланади.

5. Республика бюджети ва Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

Республика бюджети маблағларидан Инспекциянинг жорий таъминоти молиялаштирилади.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан Инспекция ходимларини кўшимча моддий рағбатлантириш бўйича харажатлар молиялаштирилади.

Инспекция фаолияти шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин.

6. Ходимларни Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан қўшимча моддий рағбатлантириш куйидагича амалга оширилади:

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан келишган ҳолда Инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ муайян йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва ҳар ойлик тўловлар;

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан келишган ҳолда Инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ йил чораги якунлари бўйича ходимларни лавозим маошининг 100 фоизигача бўлган миқдорда мукофотлаш ва моддий рағбатлантириш;

меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган бир йўла бериладиган мукофотлар.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ходимларга қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тўловлар ҳам тўланиши мумкин.

7. Инспекция тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Инспекциянинг жойларда ўз ҳудудий бўлинмалари бўлади.

Инспекция тузилмасига, зарур ҳолларда, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

8. Инспекцияга белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Инспекция бошлиғининг унинг тақдимномасига кўра Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган уч нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Инспекция бошлиғи Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳайъатининг, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштириш кенгашининг аъзоси ҳамда Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссия ишчи гуруҳининг раҳбари, Комиссиянинг масъул котиби ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар инспекцияларига Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан келишган ҳолда Инспекция бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқлар раҳбарлик қилади.

Инспекциянинг ҳудудий бўлинмалари юридик шахс ҳисобланмайди ва

ўз фаолиятини Инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланадиган низомларга мувофиқ амалга оширади.

9. Инспекция юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида ҳисоб рақамига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга.

II. Инспекциянинг асосий вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар юзасидан давлат назоратини амалга ошириш Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

мулкчилик шакллари ва идоравий мансублигидан қатъи назар, почта алоқаси, телекоммуникациялар ва даврий матбуот нашрларини тарқатиш хизматларини кўрсатувчи, шунингдек телекоммуникациялар ва почта алоқаси тизими ва иншоотларини лойihalаш, қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий матбуот нашрларини тарқатиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари, техник регламентлар талаблари, лицензия талаблари ва шартлари ҳамда сертификатлаштирилган ускуналардан фойдаланишнинг белгиланган тартиби бажарилиши;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида мақсадли йўналишлар ва белгиланган нормаларга мувофиқ инфратузилмани ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишнинг ҳолати;

иш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш самарадорлиги, интеграллашган ахборот тизимларини, маълумотлар узатиш ва алмашишнинг идоралараро тармоқларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, давлат ахборот ресурслари интеграцияси, шу жумладан интерактив давлат хизматлари кўрсатиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича малакали кадрлар билан таъминланганлик;

электрон рақамли имзолар соҳасида, шу жумладан электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказлари фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан ички назорат тизимининг жорий этилиши;

почта ва телекоммуникациялар, даврий матбуот нашрларини тарқатиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чора-тадбирлар кўриш;

телекоммуникациялар ва почта алоқаси тармоқларида ўз ваколатлари доирасида ахборот хавфсизлигини ҳамда фавқулодда вазиятларда қонун ҳуж-

жатларида назарда тутилган тартибда улардан давлат манфаатлари учун устувор фойдаланишни таъминлаш;

республика худудида фойдаланиладиган алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида телекоммуникациялар тармоқларининг, техник воситалар ва тизимлар параметрларининг, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар радионурланишларининг амалдаги нормаларга мувофиқлиги;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мобил алоқа тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш, радиочастота спектридан фойдаланишнинг белгиланган нормалари ва қоидаларига риоя қилиниши;

радиоэлектрон воситаларни сотиб олиш (бериш), лойиҳалаштириш, қуриш (ўрнатиш), Ўзбекистон Республикаси худудида фойдаланиш ва радиоэлектрон воситалар, юқори частотали қурилмаларни ва телекоммуникация тизимларини чет элдан олиб келиш, почта ва телекоммуникациялар тармоқлари ва иншоотларида сертификатлаштирилган асбоб-ускуналар қўлланишининг белгиланган тартибига риоя қилиниши;

почта алоқаси, телекоммуникациялар, даврий матбуот нашрларини тарқатиш соҳасида хизматлар сифати бўйича ҳисобот маълумотларининг ишончлилиги ҳамда почта алоқаси, телекоммуникациялар, даврий матбуот нашрларини тарқатиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари, техник регламентлар талаблари ва кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги учун ҳисобланган санкциялар миқдорларининг ўз вақтида тўланиши ва ҳаққонийлиги;

ваколатли органлар билан биргаликда радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар радиочастота спектридан фойдаланишнинг ҳолати.

11. Инспекция ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, шунингдек алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида корхоналари ва ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш жараёнларини белгиланган тартибда назорат қилади, мониторинг олиб боради ва ўрғанади, уларнинг яқунлари бўйича тегишли хулосалар тайёрлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар талабларининг бажарилишини назорат қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасининг жорий ҳолатини ўрғанади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот ресурслари ва интерактив давлат хизматларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланишнинг қулайлигини назорат қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва

ривожлантириш жараёнларини назорат қилиш, мониторинг олиб бориш ва ўрганишлар натижалари бўйича тегишли хулосалар тайёрлайди ҳамда уларни Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига юборди;

иш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, интеграциялашган ахборот тизимлари, маълумотлар узатиш ва алмашиш идоралараро тармоқларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, давлат ахборот ресурслари интеграцияси ҳолатини таҳлил қилади ва баҳолайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори маънавияли кадрлар билан таъминланганлигини таҳлил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш жараёнларини ўрганиш натижаларини таҳлил қилади ва умумлаштиради, аниқланган камчиликлар ва қоида бузилишларини бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, уларни кўриб чиқиш учун Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига тақдим этади;

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказлари фаолиятини қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши бўйича ўрганади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензиялаш ҳақидаги қонун ҳужжатлари, лицензия битимлари бажарилиши, радиочастота спектридан фойдаланиш, почта алоқаси ва телекоммуникациялар, маълумотлар узатиш, телерадиоэшиттириш тармоқларида, ахборот тизимларида, хавфсизлик бўйича техник ва технологик талаблар бажарилиши юзасидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

республика ҳудудида жойлашган алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларда почта алоқаси, телекоммуникациялар ва даврий матбуот нашрларини тарқатиш хизматлари параметрлари ва сифат кўрсаткичларининг амалдаги нормаларга мувофиқлиги юзасидан белгиланган тартибда мониторинг ва назорат ўтказилади;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида лицензия талаблари ва шартларини бузган ҳолда, шунингдек тегишли лицензияни расмийлаштирмасдан муайян фаолиятни амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектларни аниқлайди;

почта алоқаси, телекоммуникациялар, даврий матбуот нашрларини тарқатиш хизматлари кўрсатишда, шунингдек алоқа тармоқлари, ахборот тизимлари, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва улардан фойдаланишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат, тармоқ стандартлари, техник регламентлар, амалдаги нормалар ва қоидаларнинг бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ алоқа тармоқлари, ахборотлаштириш

воситалари ва тизимлари ишлатилиши ва яратилиши бўйича хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти юзасидан назоратни амалга оширади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган ички назорат қоидаларига почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан риоя этилиши мониторинги ва назоратини белгиланган тартибда амалга оширади;

почта алоқаси хизматлари ташкил этилишини, почта жўнатмалари ва пул суммалари сақланиши таъминланишини, почта жўнатмалари қабул қилиниши, уларга ишлов берилиши, топширилишига риоя қилинишини ва уларнинг белгиланган назорат муддатларида ўтишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширади;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий матбуот нашрларини тарқатиш соҳасида қўлланадиган ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш ва калибрлаш тартибига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг почта алоқаси, телекоммуникациялар ва даврий матбуот нашрларини тарқатиш хизматлари, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан интерактив давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича мурожаатларини зарур ҳолларда жойига бориб ҳамда тегишли ҳужжатларни ўрганган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқади;

ваколатли давлат органлари томонидан тартибга солинадиган тарифлар рўйхатига кирувчи почта алоқаси ва телекоммуникациялар хизматларига тарифларнинг тўғри қўлланилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширади;

кўрсатиладиган хизматлар, тарифлар, хизматлар кўрсатиш қоидалари тўғрисидаги маълумотларнинг, алоқа, ахборотлаштириш ва даврий матбуот нашрларини тарқатиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектларнинг иш тартиби ва уларни тартибга солувчи бошқа ахборотларнинг мавжудлиги ва фойдаланувчилар учун тушунарлилигини, шунингдек улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳажмининг тўлиқлиги ва муддатларини назорат қилади;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари тармоқларининг янгидан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган объектларини фойдаланишга қабул қилиб олиш комиссияларида қатнашади;

мониторинг ва текширишлар натижалари бўйича аниқланган қоида бузилишлари ҳақида тегишли қарорлар қабул қилади, ёзма кўрсатмалар беради ва уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар лицензияларининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида таклифлар киритади, қоида бузилишларига доир Инспекция ваколатларига тегишли бўлмаган материалларни давлат назорати тегишли органларига уларнинг ваколатлари бўйича белгиланган тартибда беради;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жазо чораларини қўллайди;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар,

давлат ва тармоқ стандартлари, техник регламентлар талаблари, кўрсатилаётган почта алоқаси ва телекоммуникациялар, даврий матбуот нашрларини тарқатиш хизматлари сифати бузилган тақдирда хўжалик юритувчи субъектларга белгиланган тартибда молиявий санкциялар белгилайди, уларга нисбатан санкциялар қўллаш тўғрисида белгиланган тартибда ёзма кўрсатмалар беради;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари, техник регламентлар, қоидалар, йўриқномалар, алоқа маҳсулотлари сифатига тегишли лицензия талаблари ва шартлари, телекоммуникациялар воситалари, радиоэлектрон воситаларнинг, юқори частотали қурилмаларнинг радионурланишлари параметрлари лойиҳаларини кўриб чиқади ва улар бўйича ҳулосалар беради;

Инспекция ходимларини алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялари, ахборот хавфсизлиги ва ахборотни ҳимоя қилиш соҳасидаги йўналишлар бўйича тегишли олий таълим муассасаларида, шунингдек республика ваколатли органларининг ихтисослаштирилган таълим муассасаларида қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

ўтказилган назорат натижаларини таҳлил қилади ва умумлаштиради, аниқланган камчиликлар ва қоида бузилишларини бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди, уларни тегишли бошқарув органларининг кўриб чиқиши учун киритади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларини ва даврий матбуот нашрларини тарқатиш тартибига риоя қилиниши устидан белгиланган тартибда назорат қилади;

почта алоқаси, телекоммуникациялар, даврий матбуот нашрларини тарқатиш хизматлари сифати бўйича статистик ҳисоботларнинг ишончлигига риоя этилишини назорат қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ахборот-коммуникация технологияларининг ҳолати ва ривожланиши тўғрисида ахборотларнинг ишончилиги таъминланиши ва ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан мониторинг ва назоратни амалга оширади;

ҳисобланган молиявий санкцияларнинг белгиланган муддатларга риоя қилинган ҳолда тўланиши ва тўланаётган молиявий санкцияларнинг суммаси тўғрилигини назорат қилади;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалдаги нормалар, давлат ва тармоқ стандартлари, техник регламентлар талаблари бажарилишини, почта алоқаси, телекоммуникациялар ва даврий матбуот нашрларини тарқатиш хизматлари сифатини яхшилашни, шунингдек истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни профилактика мақсадида ўрганади;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий матбуот нашрларини тарқатиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш бўйича буюртмачи функциясини бажаради;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси-

да қоида бузилишлар профилактикаси, уларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича комплекс тадбирларни бажариш чора-тадбирларини амалга оширади;

мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан радиочастота спектридан фойдаланиш, мобил алоқа тизимлари ва тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишнинг белгиланган нормалари ва қоидалари бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар радионурланишлари параметрлари, радиочастота спектридан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади, алоқа ва ахборот технологиялари, радиочастота спектридан фойдаланиш ва электрон рақамли имзолар соҳасида қоида бузилишлари мониторингини олиб бориш, аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

хўжалик юритувчи субъект томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бузилган ҳолларда лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш тўғрисида таклифлар киритади;

электралоқа тармоқларининг умумий фойдаланишдаги алоқа тармоқларига уланиши қоидаларининг, жумладан уланиш шартларининг бажарилишини назорат қилади;

радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларнинг электромагнит мослашувчанлигини таъминлаш бўйича ташкилий-техник тадбирлар бажарилишини назорат қилади;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан телекоммуникациялар, почта алоқаси, телерадиоэшиттириш, ахборот тизимлари тармоқларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ишларининг бажарилиши юзасидан ўз ваколати доирасида назоратни ташкил этади;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ахборот хавфсизлиги технологияларини, шу жумладан фойдаланилиши чекланган маълумотларнинг ҳимояланишини таъминлаш, шунингдек ахборотни криптографик ҳимоялаш соҳасидаги фаолият тури бўйича лицензия битимлари ва маҳсулотларни сертификатлаш шартларига риоя этиш масалалари борасида давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

III. Инспекциянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

12. Инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

республика ҳудудида жойлашган алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий матбуот нашрларини тарқатиш соҳасида фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларни, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация тех-

нологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини текширишларни белгиланган тартибда ўтказиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотлар, ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа материалларни сўраш ва олиш;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий матбуот нашрларини тарқатиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари, техник регламентлар талаблари, нормалар ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилган тақдирда уларга нисбатан белгиланган тартибда иқтисодий санкциялар қўллаш;

алоқа, ахборотлаштириш, радиочастота спектридан фойдаланиш ва даврий матбуот нашрларини тарқатиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва баённома тузиш, жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш доирасида қонун ҳужжатларининг почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан бузилиши ҳоллари аниқланган тақдирда эса ушбу ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни давлат назорати тегишли органларига белгиланган тартибда юбориш;

зарур ҳолларда, ахборот технологиялари соҳасидаги масалаларни текшириш, ўрганиш ва кўриб чиқишда қатнашиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ва экспертларини жалб этиш;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий матбуот нашрларини тарқатиш соҳасида фаолият кўрсатувчи ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат, тармоқ стандартлари талаблари ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, республика ҳудудида фойдаланиладиган телекоммуникация воситалари, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар радионурланишлари параметрларининг мунтазам равишда бузилишига йўл қўяётган хўжалик юритувчи субъектларнинг айрим қурилмалари ва технологик участкалари ишини аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар вақтинча тўхтатиш тўғрисида қарор чиқариш;

радионурланишлар нормаси ва параметрлари бузилганда, шунингдек телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини қабул қилишда тўсқинлик қилишга олиб келган ҳолларда радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишга берилган рўхсатномаларнинг амал қилишини аниқланган камчиликлар бартараф этилгунгача тўхтатиб қўйиш;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий матбуот нашрларини тарқатиш соҳасида фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлардан Инспекция ваколатига тегишли масалалар бўйича зарур маълумотлар ва материалларни талаб қилиш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан, шу жумладан илмий-тадқиқот муассасалари ва лабораториялардан ўз ваколатларини амалга ошириш учун алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари

соҳасидаги техник ҳужжатлар, қоидалар, воситаларнинг иш нормаларини олиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш мониторингини олиб бориш;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий матбуот нашрларини тарқатиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари, техник регламентлар талаблари, кўрсатиладиган хизматлар сифати бузилишининг олдини олиш мақсадида, улар билан келишилган режа-жадвал бўйича уларнинг фаолиятини белгиланган тартибга мувофиқ ўрганиш;

эксперт хулоса олиш учун текшириш ва мониторинг натижаларини ваколатли органларга такдим этиш;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги воситаларнинг техник ҳолати, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги воситалар ва иншоотлардан техник фойдаланиш қоидаларига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга ошириш;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида қурилиш нормалари ва қоидалари бузилган ҳолда олиб борилаётган қурилиш ишларини аниқланган камчиликлар бартараф этилгунгача тўхтатиб туриш;

лицензия битимлари талаб ва шартлари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бузилган ҳолларда уларга огоҳлантиришлар бериш;

лицензия битимларининг талаб ва шартлари бузилганлиги учун лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш ва тўхтатиб туриш, уларни бекор қилиш тўғрисида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига таклифлар киритиш;

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси қарорига мувофиқ телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни амалга оширишга лицензия олиш учун ариза берувчи томонидан такдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончлилигини текшириш;

назоратни амалга ошириш масалалари бўйича экспертиза, таҳлил ва баҳолаш, шунингдек илмий тадқиқотлар ўтказиш;

мулкчилик шакллари ва идоравий мансублигидан қатъи назар, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш давомида қоида бузилишларига йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектларга, юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларига давлат назорати доирасида ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган бузилишларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш.

Инспекция қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Инспекция:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши ва

тақдим этиладиган таҳлилий ҳужжатларнинг холисоналиги ва комплекслиги учун;

ўз ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича аниқланган камчиликлар тўғрисидаги маълумотлар ваколатли органларга ўз вақтида тақдим этилиши учун жавоб беради.


IV. Яқунловчи қоида

14. Инспекцияни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 19 декабрдаги 355-сон қарорига
3-ИЛОВА

589-модда

**Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари
соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



— 86 —

Ходимларнинг чекланган умумий сони — 218 нафар,
улардан: бошқарув ходимлари — 19 нафар;
ишлаб чиқариш ходимлари — 153 нафар;
ёрдамчи ходимлар — 46 нафар.

52 (552) -сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2012 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 19 декабрдаги 355-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Частота спектридан фойдаланиш, телерадиоадастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 10 июлдаги 293-сон қарори 9-бандининг учинчи хатбоши, шунингдек қарорга 5-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 26-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари қўшимча лавозими киритиш тўғрисида» 2002 йил 3 декабрдаги 419-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 майдаги 215-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 47-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 19 июлдаги 339-сон қарорига 4-илова-нинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 67-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Матбуот, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 16 августдаги 200-сон қарорининг 1-бандининг иккинчи хатбоҳиси, шунингдек қарорга 1-илова ҳамда 6-илованинг 4-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 8-сон, 46-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 26 сентябрдаги 215-сон қарорининг 2-банди, шунингдек қарорга 3-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 9-10-сон, 50-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадиомахсулотларини тарқатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 7 февралдаги ПҚ–277-сон қарори)» 2006 йил 16 мартдаги 47-сон қарорига илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 3-сон, 22-модда).

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 20 июндаги

ПҚ–381-сон қарори)» 2006 йил 21 августдаги 178-сон қарорига илованинг 1 ва 3-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 3-сон, 22-модда).

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2007 йил 2 апрелдаги 69-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 4-сон, 17-модда).

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2009 йил 22 августдаги 244-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 8-сон, 63-модда).

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2010 йил 5 июндаги 108-сон қарорига илованинг 40-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 27-модда).

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари қўшимча лавозими киритиш тўғрисида» 2010 йил 26 ноябрдаги 263-сон қарори.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги марказий аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2010 йил 23 декабрдаги 306-сон қарори.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида («Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни)» 2011 йил 10 ноябрдаги 298-сон қарорига илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 11-сон, 87-модда).

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 июлдаги ПФ–4453-сон Фармони)» 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарорига 1-илованинг 64-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 11-сон, 79-модда).